

ТОҲИР ЭШОННИНГ АСАРИДА ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Мавжуда Разоқова

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Шарқшунослик институтининг бўлим бошлиғи*

Муҳаммад Тоҳир Эшоннинг тўлиқ исми – Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий бўлиб, у XVIII асрда яшаб ижод этган. Тоҳир Эшоннинг ҳаёти ҳақида манбаларда учрамайди. Лекин аллома ўзи ёзган асарларида биринчи устози отаси¹ ва Ҳазрат Хожа Саъидуллоҳ бўлганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади.

Тоҳир Эшондан бизгача учта асари етиб келган. Улардан биринчиси “Тазкираи нақшбандия батариқай назм” (“Назм услубида ёзилган нақшбандия ёдномаси”) деб номланади.

Иккинчиси, “Ҳужжат ул-соликийн ва роҳат ул-толибийн” (“Солиқлар ҳужжати ва толиблар роҳати”).

Учинчиси, “Силсилаи хожағони нақшбандия” (“Нақшбандия хожалари силсиласи”). Мазкур асар “Тоҳир Эшон” ёки “Тазкираи нақшбандия” номи билан ҳам машҳурдир.

Мазкур асарлар ЎзР ФА Шарқшунослик институтида № 855 рақами остида форс тилида ва № 856 рақами остида ўзбек тилидаги нусхалари сақланади.²

Ушбу мақолада биз Тоҳир Эшоннинг “Ҳужжат ул-соликийн ва роҳат ул-толибийн” асаридаги одоб-ахлоқ масалалари ҳақида қисман тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ҳаммага маълумки, тасаввуф фақат тоат-ибодатдан иборат эмас, балки одоб-ахлоқ, илм-фан ривожи каби масалаларни ўз ичига қамраб олганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Тасаввуфда кишилардан юксак одоб-ахлоқ каби фазилатларни инсон онгига сингдириш каби ғояларни ўз ичига қамраб олади.

Тоҳир Эшон одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритар экан, у ўз муридларига насиҳат қилган ҳолда Абдулҳолик Ғиждувоний ўғитларидан келтиради ва ёзади: “...Ва қўб ҳамда қилмағилким, қаҳ-қаҳа бирла кулмаклиғ кўнгилни ўлтурур. Ва ҳеч одамға ҳақорат кўзи била қарамағил, балким шафқату марҳамат назаринг бирла боқғойсан. Ва зоҳирингға оро бермағайсанким, ботилнинг хароблигига боис бўлғусидур. ...Машойихларга жону дил бирла хизмат қилиб, аларнинг феъллариға инкор қилмағайсанким, аларға инкор этган одамнинг ҳаргиз халослик топмағай”.³

Тоҳир Эшоннинг фикрича, инсон ҳаддан зиёд бўлар-бўлмас гапларга ҳам кулавериши одобдан эмаслигини таъкидлайди. Зеро кўп кулиш қалбни занглатади ва Аллоҳдан йироқлаштиради, дейди. Шунингдек, инсонларга ёмон кўз билан

¹ Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 856/1. 400 а-бет.

² Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 855/1, 856/1.

³ Тазкираи нақшбандия, 88 б-бет.

қарамаслик, аксинча бечора ҳол инсонларга шафқат назари билан қарамогини ўқтиради.

Одоб-ахлоққа кирувчи нарсалардан яна бири бу – омонатдир. Гарчи халқда, омонатга хиёнат қилмайдилар, деган нақл бежизга айтилмаган. Хиёнат турлари кўпдир: оилага, дўстга, ватанга, халққа ва омонатга хиёнат қилинмайди.

Тоҳир Эшон ўзининг омонатга хиёнат қилмаслик ҳақидаги фикрини билдирар экан, у Мавлоно Ҳазрат Мустафо тилидан бир нақлни келтиради. Жумладан ёзади: “Эй Мулло Ҳасанқули, сенинг хотирингдин фаромуш (хотирингдан ўчди, кўтарилди – М.Р.) бўлубдурким, ул соҳиб мол сенинг била бизнинг гувоҳлик лозим бирла Ҳазрат Хожа Амир Азизонға топшуруб, Ҳиндистонға кетиб эрди. Аммо Ҳазрат Амир Али Азизоннинг хотирларидин махв (ўчди – М.Р.) ва фаромуш бўлубдур. ...Ва Мулло Ҳасанқули айтурким, мен ул маъниға мункир (гувоҳ – М.Р.) бўлдим. Чунончи, Ҳазрат Амир Али мункир эрдилар. Бовужуд мол ойгоси маблағ казони мен фақир била Мавлоно Мустафоқулининг ҳузурида Ҳазрат Амир Алиға омонат топшуруб, Ҳиндистонға кетиб эрди. Ул маблағни Ҳиндистондин келиб, амакиси айтғонида Ҳазрат Амир Али мункир бўлуб, ул маблағни бермодилар”.⁴

Тоҳир Эшоннинг фикрича, бирор одам дўстига, яқинига ишониб, қимматбаҳо буюм ёки пулни берса ва маълум вақт ўтгач, ўша буюм эгаси ўз омонатини сўраб келса, омонатни олган одам эгасига қайтармаса, бировнинг омонати барибир у кишига буюрмайди. Охир оқибатда бир балога гирифтор бўлиши мумкинлиги тўғрисида ёзади. Жумладан: “... Бир неча муддатдин сўнг аҳли қофлаға хачирлар учроб, оларнинг молларин тарож (таламоқ – М.Р.) қилиб, кўб одамларни ўлтурдилар. Ва доғи ул молни талаб этган амакисини ҳам қатл қилдилар”.⁵

Тоҳир Эшоннинг юқорида келтирган фикри, ҳозирги замон нуқтаи назаридан ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки ҳозирги замон кишилари, айниқса ёшлар ўртасида омонатга пул бериб, сўнг ололмай юрган кишилар кўплаб учрайди. Тоҳир Эшон ўзининг юқорида билдирган мулоҳазаси билан ёшларни ҳалолликка, ўзгалар молига ёки омонатига хиёнат қилмасликка чақирмоқда.

Тоҳир Эшон тасаввуфий фикрини асарда давом эттирар экан, у ёзади: “Аллоҳ таъоло била суҳбат қилғон одам билан суҳбат тутунглар”, дейди. Олимнинг фикрича, инсон қалби пок одам билан кўпроқ суҳбатда бўлиши, ундай инсондан панду насиҳат олиши лозим.⁶ Аллома Хожа Аҳрор тилидан ёзади: “Яхши инсонлар суҳбатида бўлган одамга осмондан фаришталар уларга рашк кўзи билан қарайдилар”, деб ёзади.

Бизнинг фикримизча, инсонлар яхшилар суҳбатида кўпроқ бўлишлари, улардан ўзларига керакли насиҳатларни олишлари керак. Бу борада Алишер Навоийнинг яхшилар билан юрсанг, улардан кўп нарсани ўрганасан, ёмон билан бўлсанг, уятга қоласан, деган фикри билан ҳамоҳангдир. Жумладан:

⁴Ўша асар, 436 б-бет.

⁵Ўша асар, 438 а-бет.

⁶ Тоҳир Эшон. Ҳужжат ул-соликийн, ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 856/II. 426 а-бет.

**Яхшилар билан юрсанг етарсан муродга,
Ёмон билан юрсанг қоларсан уятга.**

Юқорида Алишер Навоийнинг сермаъно сатрларидан келтирилган фикри, ҳозирги замон ёшларининг баркамол инсон бўлиб улғайишларида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Тоҳир Эшон ёшларни касб-ҳунар эгаллашлари борасида ҳам фикр билдирар экан, унинг ёзишича, инсон илм олиш билан бирга бирор касбни ҳам ўрганмоғи лозим.⁷ Алломанинг юқоридаги фикри ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, ёшлар касб эгаллаб ҳалол турмуш тарзида ҳаёт кечирмоқлари керак. Тоҳир Эшоннинг юқоридаги мулоҳазаси ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда диққатга сазовордир.

Тоҳир Эшон касб-ҳунар ҳақидаги мушоҳадасини давом эттирар экан, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз шогирдларига берган насиҳатини келтиради. Жумладан ёзади: “Эй фарзанд, касб этгил, токи қариллик бошинга келмасин”. Яъни аллома фикрича, ёшликда куч-қувват борлигида касб-ҳунарлик бўлиш лозим. Қариганда ўзи устоз бўлиб шогирдлар етиштиради, меҳнати билан ҳалол ризқ топади. Инсоннинг ёши ўтган сари хотира сустрлаша боради, шунинг учун қанча илм бўлса, касб-ҳунар ўрганиш керак бўлса ёшликда олмоғи лозим, кейин кеч бўлади,⁸ дейди.

Тоҳир Эшон ўз асарида устоз-шогирд муносабатига баҳо берар экан, устозни улуғлаш, керак бўлганда маслаҳат сўраш борасидаги масаласига катта эътибор беради. Бу борада Қаробоғий билан Тоҳир Эшоннинг устоз-шогирд ҳақидаги фикрлари ҳамоҳангдир. Жумладан, Қаробоғий устоз-шогирд ҳақида ёзади: “Муаллиф ҳақиқати, ота-оналар жихатидан афзалдир. Чунки ота-она менинг жисмоний киёфам сабаби, ўқитувчи эса - чин инсоний кўринишимдир”.⁹

Тоҳир Эшон устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатга ўз асарида қайта-қайта муроҷжат қилади. Унинг ёзишича, шогирд устозга тобиъ бўлмоғи керак. Устознинг ҳар бир буйруғини сўзсиз бажармоғи лозим. Аллома Хожа Аҳрор ва Ҳазрат Мавлоно Қосим ўртасидаги муносабатни шундай таърифлайди: “Ва Ҳазрат Мавлоно Қосимнинг Ҳазрат Хожа Аҳрорга камоли хизмат ва баъиятлиғ (баният, яхши ният – М.Р)лари сабабли Ҳазрат Хожанинг сояси дер эрдилар”, деган таърифни келтиради.¹⁰

Тоҳир Эшоннинг фикрича, шогирд устоз орқасидан бамисоли соядек эргашмоғи лозим, яъни устозда қандай илм бўлса ҳаммасини ўзлаштириб олиши керак. Шу билангина шогирднинг билими ошади ва баркамолликка эришади. Аллома: “Устоз

⁷ Ўша асар, 423 б-бет

⁸ Ҳужжат ул-соликийн, 423 б-бет.

⁹ М.Нуритдинов. Юсуф Қаробоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. – Т.: Фан, 1991. 91-бет.

¹⁰ Ҳужжат ул-соликийн, 427 б-бет.

билан бир дам ўтириб, суҳбат қурмоқ ҳар қандай амал (иш. – М.Р.)лардан яхшироғдир”,¹¹ деган фикрни илгари суради.

Бизнинг фикримизча, Тоҳир Эшоннинг юқорида келтирилган жумлаларини ҳозирги замонда ҳам қўллаш мумкин. Ёшлар бирор хунарга ёки илми ўрганмоқчи бўлсалар, устоз маслаҳатидан кўпроқ баҳраманд бўлишлари лозим.

Тоҳир Эшон устоз билан шогирд ўртасидаги муносабатга яна бир жойда ёзади, унинг фикрича, устоз билан ўтирганида бутун вужуди билан устознинг насиҳатига қулоқ тутиб тинглаши лозимдир, дейди. Аллома ўзининг “Ҳужжат ул-соликийн” асарида Абу Абдуллоҳ Биножий тилидан қуйидагиларни келтирар экан ёзади: “Симоъ (тенглаш. – М.Р.) икки навъ (тур. М.Р.) бўлур, бир навъи дилни ҳаракатга солур ва ё кўзни миғлар тирмулурдин ўзга навъининг ҳаммаси фитнадур”.¹²

Тоҳир Эшоннинг фикрича, устозни тинглашда шогирднинг бутун вужуди, қалби билан қулоқ солиши, диққатини ҳар томонга қаратмаслиги керак. Шунингдек, мурид устоз суҳбатида ўтирганида бутун диққат-эътиборини устоз насиҳатига қаратишини таъкидлаб ёзади: “Ҳар муридким, пирнинг суҳбатида ўлтурур эрса, ҳозир ва огоҳлик била ўлтурсун”.¹³ Тоҳир Эшон бутун диққатини жамлаб эшитишнинг уч тури ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Сўфий ва фақир ва муҳиблар мазкур бўлгон уч маъни била симоъ қилурлар. Валекин, симоълари уч амр била бўлур. Онинг бири, муҳаббат ва бири кўз тутмоқ ва бири хавфи вужуддир”.¹⁴ Тоҳир Эшоннинг ёзишича, устоз ҳузурида ўтирган пайтда тингловчи суҳбатга аввало муҳаббат, қизиқиш бермоғи лозим. Иккинчиси, кўзни ҳар ёнга олазарақ қилмасдан, ҳаёлини жам қилмоғи керак. Учинчиси, бутун вужуди билан берилмоғи зарурдир.

Тоҳир Эшон Абдуҳолиқ Гиждувоний тилидан келтирган сўзларининг исботи учун Мавлоно Яъқуб Чархийнинг “Тафсири Чархий” асаридан мисол келтиради: “Эй биродар, - деб ёзади Чархий, - бундай тоифа одамлардан қоч ва ҳаққоний олимлар ва ҳақиқий шайхлар хизматини ихтиёр қилгинки, токи иймоннинг шамолга совурилмасин”.¹⁵

Тоҳир Эшон устоз ва шогирд масаласида кўпроқ мисолларни келтиради. Шогирд устозни улуғлаши, ҳурматини жойига қўйиши, ҳар бир панду насиҳатини диққат билан тинглаши кераклигини хатто, уларни Қуръон оятлари билан далиллаб беради. Аллома фикрича, шогирд устоздан илм олаётган даврида, ўзида етукликни ўзлаштириб олмагунча, устоз даврасини тарк этмаслиги керак, дейди.¹⁶ Яна Тоҳир Эшон бир жойда Баҳоуддин Нақшбанд билан Мавлоно Нажмиддин ўртасидаги муносабатни келтиради. Алломанинг ёзишича, Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдига, устоз шогирдга нима иш

¹¹ Ўша асар, 427 б-бет.

¹² Ўша асар, 445 б-бет.

¹³ Ўша асар, 433 а-бет.

¹⁴ Ўша асар, 439 б-бет.

¹⁵ Яъқуб Чархий. Тафсири Чархий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №. 12518. – Б. 150-бет.

¹⁶ Ҳужжат ул-соликийн, 414 а-бет.

буюрса ҳам сўзсиз бажармоғи лозимлигини, агар устоз амрини бажо келтирмаса, бундай устоз суҳбатини тарк этиши кераклигини ёзади.¹⁷

Тоҳир Эшон Хожа Аҳрор тилидан айтилганларини ёзар экан, унинг фикрича, пир шогирд билан суҳбат қурганда, агар устоз ўз сўзини тугатмасидан аввал, устоз фикрини бўлиб, орага сўз айтмаслиги керак. Шогирд одоб сақлаб, ўз устозининг сўзларини охиригача сабр-чидам билан кулоқ солиб турмоғи лозим. Суҳбат асносида устоз хато қилиши ёки шу хато орқасидан суҳбат якунида тўғри фикрни айтмоғи ҳам мумкиндир. Чунки ҳар бир суҳбатнинг якунида устознинг фикри аён бўлади, деган фикрни келтиради.

Тоҳир Эшон ўз асарларида Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматларига кўплаб мурожаат қилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, шогирд баркамолликка эришмоқчи бўлса, сабр қилмоғи лозим. Тўғри йўлда (яхши инсонлар билан – М.Р.) юрган, эътиқодига содиқ ва ҳимматли инсонлар билан суҳбатда бўлишлари лозим,¹⁸ дейди.

Тоҳир Эшон тўғри йўлдаги ёшларга насиҳат қилган ҳолда, Ҳазрат Мавлавий Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” китобида Хожа Баҳоуддин Нақшбандий сўзларини келтиради. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд: “Бизларнинг тарикимиз суҳбатдур. Билдингим, хилватда шуҳрат бўлур. Шуҳратда офат бўлур. Эмди хайрият жамиятда бўлур ва жамият суҳбатда бўлур”,¹⁹ дейди.

Юқоридаги фикрларда Тоҳир Эшон ёшларнинг тўғри, ҳалол йўлда бўлишларида катталар суҳбатида кўпроқ бўлишларига, кекса авлод вакиллари билмаганларини ўрганишга даъват этади.

Тоҳир Эшон “Тазкираи нақшбандия” асарида камтарлик, камгаплик ҳақида ёзар экан, инсонларни одобли, ҳар томонлама баркамол бўлишларига чақиради. Бу борада муаллиф ўз асарида Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг “Васийят” китобидан қўйидагиларни ёзади: “...Валекин симоёға (тинглаш – М.Р.) мункир бўлмағайсанким, асҳоби симоё кўбдур. Ва камсўз, камхўр (кам ейиш – М.Р.), камхоб (кам уйқу – М.Р.) бўлғайсан”.²⁰ Тоҳир Эшон одоб-ахлоқ борасида бир жойда ёзадики, мурид содиқ шайх (шаръиат уламози – М.Р.) ҳукмида бўлса, унинг суҳбатида бўлса, у мурид ҳам одоблидир,²¹ деган фикрни илгари суради.

Тоҳир Эшон одоб-ахлоқ борасида ўз мулоҳазасини давом эттирар экан, “Рашаҳот” китобида келтирилган маълумотни ёзади. Унинг ёзишича, Шоҳрух Мирзонинг ҳузурида бир навқари баланд овоз билан гапиради. Буни Шоҳрух Мирзо беадаблик деб ҳисоблайди. Одоб юзасидан навқар подшоҳ ҳузурида сукут сақлаши керак эди.²²

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, инсон ўзидан катталар ҳузурида кўп гаплашмаслиги, баланд овоз билан суҳбатдошига мурожаат қилмаслиги, шунингдек,

¹⁷ Ўша асар, 434 а-бет.

¹⁸ Ўша асар, 425 б-бет.

¹⁹ Ўша асар, 428 б-бет.

²⁰ Тазкираи нақшбандия, 88 а-бет.

²¹ Ҳужжат ул-соликийн, 429 б-бет.

²² Ўша асар, 432 а-бет.

катталар ёнида сукут сақлаб, уларнинг суҳбатини тингламоғи яхшидир, деган фикрни илгари суради.

Хулоса қилиб айтганда, Тоҳир Эшоннинг “Хужжат ул-соликийн ва роҳат ут-толибийн” асари ёш авлодни баркамол инсон бўлиб улғайишларида, шунингдек Нақшбандия тариқатини ўрганишда муҳим манба бўла олади, деб ўйлаймиз.